

## ЎЗБЕКИСТОНДА ДУНЁВИЙЛИК ҲАМДА ДИНИЙЛИК МУВОЗАНАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ШАРТ ВА ОМИЛЛАРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-649-661>

**Саифназаров Исмаил**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси профессори  
Тел: +998901862005 E-mail: [profis48\\_48@mail.ru](mailto:profis48_48@mail.ru)  
ORCID 0000-0002-4946-4303

**Дониёров Хушвақт Тожибоевич**

Ал-Бухорий университетининг доценти в.б., PhD.  
[hushvaqt-82@mail.ru](mailto:hushvaqt-82@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақолада Ўрта асрлардаги Амир Темур ҳукмронлиги даври, XVIII аср охири ва XIX аср бошларида бутун Марказий Осиёда ҳамда XX аср бошларида жаҳидлар томонидан дунёвийлик ва динийлик ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга доир ёндошувлар таҳлил қилинди.*

**Калит сўзлар:** дунёвийлик, динийлик, консенсус, конфликт, экстремизм, терроризм, демократик қадриятлар, диний бағрикенглик, диннинг сиёсийлашуви, исломнинг радикаллашуви, секуляризм.

### ABSTRACT

*This article analyzes the approaches of the Jadids to the regulation of the relationship between secularism and religion in Central Asia during the reign of Amir Temur in the Middle Ages, the end of the XVIII and the beginning of the XIX century in the whole of Central Asia and the beginning of the XX century.*

**Keywords:** secularism, religiosity, consensus, conflict, extremism, terrorism, democratic values, religious tolerance, politicization of religion, radicalization of Islam, secularism.

### КИРИШ

Бугунги кунда “дунёвийлик” ва “динийлик” тушунчалари ҳамда уларнинг ижтимоий-фалсафий мазмунини таҳлил қилиш ўта долзарб ижтимоий-гуманитар муаммолардан бири ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, дунёвийлик ва

динийлик тушунчалари қадимдан кўпгина олимлар, мутафаккирлар ва диний уламолар томонидан бир-бирини инкор этувчи ҳамда қарама-қарши тушунча ва аспектлар сифатида ўрганилди, бир-бирига зид икки тамойил сифатида англаб келинди.

Дин абадий ва ҳақиқий дунё сифатида ғайритабиий дунёни эътироф этади ва инсоннинг реал дунёдаги ҳаётини абадий дунёга ўтиш йўлида бир восита деб ўргатади. Дунёвийлик эса объект сифатида моддий оламни ўрганиш ва ўзгартиришга ҳаракат қилади. Аммо динийлик ва дунёвийлик тушунчаларини бир-бирига қарши қўйиш эмас, балки бир-бирини тақозо қилувчи жараён сифатида ўрганиш лозим. Бунинг учун ушбу тушунчаларнинг моҳиятини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш уларнинг консенсусга эришишини таъминлайди. Мамлакатда ижтимоий барқарорликни ва демократик тараққиётни таъминлашнинг методологик асоси дунёвийликдир. Дунёвийлик даҳрийлик эмас, айни вақтда динийлик ҳам эмас. У ўз ичига толерантликни қамраб олган бўлиб қарама-қарши томонларнинг яқдилликка эришиши учун замин яратади. Тарихдан бугунги кунгача дунёвийлик ва динийлик тушунчаларига нисбатан турлича ёндашувлар бўлган. Уларнинг моҳиятини онтологик ва гносеологик нуқтаи назардан таҳлил қилиш динийлик ва дунёвийлик ўртасидаги мувозанатни таъминлашга нисбатан янги механизмларнинг яратилишига хизмат қилади.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР**

Дунёвийлик ва динийлик ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш масаласи ниҳоятда нозик масала бўлиб, бу масалани таҳлил қилишда кўпгина олимлар томонидан ёзилган шу масалага доир асрларни чуқур ўрганиб чиқиш талаб қилинади. Шу нуқтаи назардан У.М. Уотт [1], Низомиддин Шомий [3], Ш. Ёвқочев [9] каби олимларнинг асарларини фалсафий жиҳатдан таҳлил қиламиз. Динни давлатдан ажратиш концепцияси азалдан дунёвий-рационалистик тафаккурга асосланган. Аммо мусулмон Шарқи, жумладан, Марказий Осиёда бу жараённинг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу концепция Ғарб давлатларидаги каби асрлар оша давом этганидек, алоҳида ишлаб чиқилмаган.

Мазкур мақолада ўрганилган мавзу илмий тадқиқотнинг тарихийлик, мантиқийлик, умумлаштириш, анализ ва синтез каби мантиқий методлар асосида ёритилишга ҳаракат қилинди.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 18 октябрда Тошкент шаҳрида “Ислом ҳамжиҳатлиги: Ўзбекистон ва Озарбайжон

мисолида” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига сўзлаган нутқида “бизнинг Ватанимиз минг йиллар давомида турли цивилизациялар мулоқотга киришган ва бир-бирини тўлдирган Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳасида жойлашган. Бу заминда турли маданият ва дин вакиллари тинч-тотув ва ҳамжихатликда яшаган. Мусулмон дунёси таракқиётида улкан рол ўйнаган халқимиз менталитетининг асосини том маънодаги бағрикенглик, олижаноблик ва эзгулик каби фазилатлар ташкил этади”, деган эди [2; 454]. XX асрнинг сўнгги чорагида жаҳонда содир бўлган глобал геосиёсий ўзгаришлар мазкур масаланинг мусулмон дунёси мамлакатлари учун долзарблигини оширди ва илмий доира вакилларининг ушбу муаммога нисбатан муносабатини бутунлай ўзгартириб юборди, яъни бу масалани давр талабидан келиб чиққан ҳолда тезкорлик билан ишлаб чиқиладиган илмий вазифалар қаторига олиб чиқди. Чунки бу даврга келиб “янги дунёвий низом” деб аталувчи тизим келтириб чиқарган психологик оқибатлар турли кучларнинг ўзига хос сиёсий, мафкуравий даъволарининг фаоллашувида намоён бўлди.

Аmmo мусулмон олимларининг илмий меросида динийлик ва дунёвийлик ўртасидаги мантиқий нисбатнинг шаклланиши масаласига бағишланган махсус тадқиқотларнинг йўқлиги мусулмон Шарқи анъанавий жамияти ҳаётида бундай муаммонинг мутлақо бўлмаганлигини билдирмайди. Хусусан, ўрта асрларда Марказий Осиёдаги деярли барча давлатларда руҳонийлар родини одоб-ахлоқ масалалари ва маънавий-тарбиявий соҳа билан чеклашни ёқлаб чиқувчилар билан анъанавий жамият ҳаётини ташкил этишда диннинг кенг қамровли роли учун кураш олиб борган сиёсий кучлар ўртасида доимо кураш давом этган.

Масалан, ўрта асрлардаги марказлашган қудратли давлатлардан бирининг асосчиси Амир Темур, айниқса, ўз сиёсий фаолиятининг илк даврида қабилавий зодагонлар ўртасида, масалан, ўша даврнинг бош диний марказларидан бири – Термизда катта нуфузга эга бўлган тасаввуф пешволари сиймосидаги руҳонийлар тазйиқини бошдан кечирганлиги бизга маълум. Бу ҳолат, тарихда Амир Темурнинг маънавий пири сифатида машҳур бўлган нуфузли шайх Саййид Бараканинг Соҳибқирон томонидан онгли равишда ўзига яқинлаштиришга, маълум даражада туртки бўлган. Ҳатто руҳонийларнинг энг нуфузли вакиллари Соҳибқироннинг қарорларини тан олганлар ва у бошлаган ҳар бир ишга, жумладан, ҳарбий юришларга ҳам оқ фотиҳа берганлар [3; 165]. Ушбу ҳақиқатни дунёвий ҳокимият билан диний уламолар ўртасидаги кескинликни юмшатишга, ижтимоий-сиёсий ҳаётда дунёвий ва диний кучлар

ўртасида мантикий мувозанатни ўрнатишга интилиш сифатида баҳолаш мумкин.

Умуман олганда, ўрта асрлар ва янги даврдаги Моварауннахр тарихига муурожаат этсак, шу нарса аён бўладики, давлат тепасида турган сиёсий кучлар билан ҳарбий-қабилавий аъёнлар ва шаҳарлик зодагонлар тан олган обрўли руҳонийлар ўртасида маъқул консенсусга эришилган даврларда мамлакатдаги умумий тараққиёт суръатлари ўсганини кузатиш мумкин. Аммо ўша даврда ҳам дунёвий ва диний-маънавий ҳокимият ўртасидаги аниқ чегараларни белгилаш ўта мураккаб бўлганлигини унутмаслигимиз лозим. Ушбу икки таркибий қисм ўртасидаги мувозанат бузилганида ёки диний уламоларнинг сиёсий масалаларга таъсири кучайганда, баъзан ҳатто ҳукмдорларни жисмонан йўқ қилишгача олиб борадиган ижтимоий-сиёсий тартибсизликлар содир бўлганлиги бизга маълум.

XVIII аср охиридан XIX аср бошигача Мовароуннахр, қолаверса, бутун Марказий Осиёда кузатилган сиёсий тарқоқлик жараёнларида асосий рол ўйнаган ташқи омил кучининг ошганлиги, минтақани қўлга киритишга қаратилган рус-инглиз рақобати ва Чор Россиясининг ташқи сиёсатида ушбу ўлкага нисбатан ҳарбий-сиёсий экспансионизмнинг кескин кучайгани ҳам айтиш ҳақиқатдир. Аммо тарихнинг мазкур даврида ҳам муайян кучлар ўз мақсадларига эришиш учун нуфузли шайхлар ва уламолардан фойдаланиб, кўпинча уларнинг давлат сиёсатига аралашувини сезиларли тарзда фаоллаштиргани ҳам ўзаро низоларнинг чуқурлашишига сабаб бўлди. Марказий Осиё давлатчилигининг шаклланиши ҳақида умуман гапирадиган бўлсак, шу нарса аён бўладики, динийлик ва дунёвийлик ўртасида Марказий Осиёга хос анъанавий ҳаётни бошқариш масалаларидаги ўзаро муносабатлар эволюциясининг устувор хусусияти дунёвийликка мойил сиёсий кучларнинг ўрни ва аҳамиятининг мунтазам мустаҳкамланиб боргани ҳамда диний доиралар таъсир фаолияти соҳасининг соф маънавий-ахлоқий табиатга эга масалаларгача торайиб боришидан иборат эканлигига амин бўламиз.

Мовароуннахр тарихининг ўрта асрлар ва ундан кейинги даврларида бошқарувнинг теократик усулларига мойил давлатлар намунасининг йўқлиги ҳам буни яққол исботлайди. Марказий Осиё жамияти ҳаётини ташкил этишда ислом динининг мавқеини пасайтирмаган ҳолда айтиш мумкинки, диннинг роли доим муҳим бўлганлигига қарамай, у ҳеч қачон ҳукмрон бўлмаган.

Ўрта Осиёнинг Чор Россияси томонидан истило этилиши исломнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ва ролининг жиддий ўзгаришига олиб келди.

Унинг асосий мазмун-моҳияти исломни ижтимоий-сиёсий ҳаётдан имкон қадар сиқиб чиқаришдан иборат бўлди. Шўролар даври эса чоризм давридан бироз фарқланади. Жамият ҳаётида диннинг ҳар қандай ролини камайтиришга интилиш – унинг асосий хусусияти бўлиб қолди. Ушбу интилиш жангари атеистик усулларни ишлатиш, диний уламолар ва диний муассасаларга қарши кенг кўламли ҳужумлар уюштириш, диннинг ижобий салоҳиятини бутунлай инкор этиш йўли билан амалга оширилди. Ислom динининг тарбиявий салоҳиятидан фойдаланишга ҳаракат қилган туркистонлик жадиdларнинг уринишлари ҳам рад этилди. Ваҳоланки, жадиdлар халқни ҳар томонлама аянчли аҳволдан халос этишнинг бирдан-бир йўлини илм-маърифатда кўрдилар. Улар ўз кўлларида бўлган ана шу ягона имкониятдан фойда самарали фойдаланиб, маърифий инқилоб йўли билан халқни моддий фаровонлик ва бойлик сари етаклашга ҳаракат қилдилар. Жадиdлар ҳаракатининг кучайиши, асосан, XX аср бошларига тўғри келади, бироқ уларнинг вужудга келиши ва шаклланишига айнан XIX аср ўрталаридаги ижтимоий ҳолат туртки бўлган. Чунончи, ўша давр маҳаллий давлатлар ва халқларнинг жаҳон цивилизациясидан қанчалик ортда қолганини кўрсатиб турар эди. Шу боис ҳам жадиdлар энди аста-секинлик билан техника соҳасидаги, ижтимоий ҳаётдаги тараққиёт омилларини динга чоғиштира бошладилар. Айрим жадиdлар (Абдурауф Фитрат ва Файзулла Хўжаев бошчилигида) халқни қоқоқликдан чиқариш учун фақат таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ўзи етарли эмас, деб санадилар. Улар неча асрлардан бери ҳудудда амал қилиб келаётган ислом дини ва сунна таркибига замонлар ўтиши билан «зарарли» ва «консерватив» қарашлар ҳам кириб қолган, бу ҳолат мусулмон жамоаларининг тараққиёт жиҳатдан ғарбдан ортда қолиб кетишига олиб келган, деб қарайдилар. Бу ҳаракат жадиdчиликда «ислоҳ» номи билан аталган.

Жадиdларнинг Абдулвоҳид Бурҳонов бошчилигидаги бошқа бир гуруҳи (Ибрат ҳам шу гуруҳда), жамиятни ислоҳ қилишда сунна имкониятлари чексиз, фақат уни яхшилаб ўрганиш ва шу асосда ислом кўрсатмаларидан четга чиқмаган ҳолда кўпроқ ривожланган жамиятлардан мақбул янгиликларни, яъни «бидъати ҳасана»ни қабул қилиш орқали ислоҳотларга туғиниш мумкин, деб ҳисоблаган эдилар.

“Жаҳолатга қарши маърифат” тамойилининг моҳиятини чуқур англаб етган жадиdлардан бири Бeҳбудий 1908 йили Самарқандда Туркистондаги дастлабки замонавий кутубхоналардан бири - "Қироатхонаи исломия"ни ташкил этади. Кейинчалик "Бeҳбудия кутубхонаси" номини олган бу маърифат

ўчоғи 1919 йилга қадар фаолиятда бўлиб, самарқандлик ёшлар диний ва дунёвий билимларининг шаклланишида ўз вазифасини ўтади. Бир кеча-кундузда 11 нафаргача ўқувчи шуғулланиши мумкин бўлган бу кутубхона тез орада Самарқанднинг йирик зиё масканларидан бирига айланди ва бора-бора унинг жамғармасида 1000 дан зиёд ноёб китоблар тўпланди. Кейинчалик жадидлар ва диний уламоларнинг мутлақ кўпчилиги жисмонан мавҳ этилди ҳамда диний муассасаларнинг кўпчилик қисми вайрон қилинди. Лекин бу билан исломни жамият ҳаётидан сиқиб чиқара олмадилар, балки, бундай сиёсатнинг маҳсули сифатида диннинг яширин фаолият олиб бориш жараёни вужудга келди ва у ҳокимиятга қарши муҳолиф кучга айланди. Шўро ҳокимиятининг муайян тарихий шароитлар тазйиқи остида диний соҳада баъзи энгилликлар берганлиги, яъни, 1943 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар диний идораси тузилгандан кейин ҳам радикал кайфиятдаги ҳамда ўзини ҳокимиятга муҳолиф деб ҳисобловчи мусулмон руҳонийлар ҳаракати сусайгани йўқ. Фарб давлатларида “параллел ислом” номини олган ушбу ҳаракат радикал кайфиятдаги диний арбобларни етиштириш учун қулай замин бўлди.

1980 йил охиридан бошлаб, собиқ иттифоқнинг парчаланиши натижасида мафкуравий бўшлиқнинг вужудга келиши радикал кайфиятдаги баъзи арбоблар миллатнинг маънавий раҳнамолигига ошқора даъво қилиб чиқишларига сабаб бўлдилар. Ўтиш даври учун хос бўлган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар ва ушбу мамлакатлардаги демократик институтларнинг заифлиги диний тусдаги сиёсий партиялар ва ташкилотлар томонидан тарғибот қилинаётган ғоялар таъсирининг янада кучайишига сабаб бўлди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошига келиб, диний ва дунёвий кадрлар уйғунлигини тиклаш зарурати, ҳеч бир муболағасиз, мамлакат тақдирини ҳал қилувчи омиллардан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти олдида мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ ўзининг динга бўлган муносабатини аниқ-тиниқ ва принципиал тарзда белгилаб олиш зарурати турар эди. Давлатнинг динга нисбатан муносабати қандай бўлиши Биринчи Президент И.Каримов томонидан асослаб берилди: ”Дин, шу жумладан, ислом дини ҳам минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганининг ўзиёқ у инсон табиатида чуқур из отганлигидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради. Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний

ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган. Маданиятга катта таъсир кўрсатган. Инсоннинг одамлар билан баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда” [4;35]. Дунёвий ва диний кадриятлар ўртасидаги умуммиллий манфаатга мос янги нисбатни шакллантириш вазифаси Ўзбекистон халқининг ўз давлатчилигини янгитдан қуришдаги миллий кадриятларни тиклаш жараёнининг моҳиятини ташкил этувчи бош элементлардан бирига айланди. Ушбу жараённинг кечиши ва моҳияти қатор объектив ва субъектив омилларнинг умумий таъсири билан аниқланади. Қуйида уларнинг асосийларини санаб ўтаемиз:

1) давлатнинг динга бўлган муносабатининг тубдан ўзгаргани натижасида маънавий ва ижтимоий ҳаётда диннинг табиий мақомини тиклаш. Масжидлар сонининг тез суръатлар билан ўсиши, диний ўқув юртларининг очилиши, мусулмонларнинг ҳаж ва умра сафарларига боришининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, илгари қатъий тақиқ остида бўлган диний байрамларнинг расман эътироф этилиши ушбу жараённинг ташқи белгиларини ташкил этади;

2) ашаддийлик кайфиятидаги диний арбоблар ва уларнинг ортида турган миллатчи кучларнинг мисли кўрилмаган даражадаги фаоллашуви. Улар фаолиятининг сиёсийлашуви исломий ва умуминсоний ниқобларга ўралган “Ислом лашкарлари”, “Мусулмон жамоалари”, “Ислом озодлик ҳаракати”, “Ал-жидд ал-Исломий”, “Муҳаммад қанотлари”, “Аллоҳ аскарлари”, “Ислом ёшлар ассоциацияси”, “Ислом уйғониш ассоциацияси”, “Шўро Ислом партияси”, “Жангавор авангард”, “Ислом гуруҳлари”, “Ваҳобийлик” ва бошқа жангари ташкилотлар шакллана бошлаган XX асрнинг 90-йилларнинг бошидаёқ намоён бўлди;

3) турли чет эллик диний-мафкуравий марказлар фаолиятининг бутун Марказий Осиёга, айниқса, Ўзбекистонга нисбатан сезиларли даражадаги фаоллашуви. Жумладан, “Ислом тикланиш партияси”нинг Ўзбекистонда ўз бўлимини очишга ва “Ҳизб ат-тахрир ал-исломий”нинг мамлакатимизни ўз фаолияти доирасига жалб қилишга бўлган ҳаракатларида намоён бўлди.

Маълум бир кучларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган компанияси, гоҳида уларнинг террористик табиатга эга зўравонлик усулларига ўтиши таъсирида диний онгнинг радикаллашуви шароитида ҳуқуқий соҳада ҳам амалий чораларга кучли эҳтиёж сезилди. Улардан бири – 1991 йилнинг 14 июнида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг

қабул қилиниши бўлди. У, ҳақиқий виждон эркинлигини амалда таъминлаган Ўзбекистоннинг энг янги тарихидаги биринчи ҳуқуқий ҳужжат эди. Аммо кейинчалик маънавий-диний соҳада содир бўлган воқеаларнинг ривожланиши, айниқса, диний тамойилларга асосланган айрим сиёсий кучларнинг фаоллашиши ушбу қонуннинг баъзи моддаларини давр талабларига мослаштириш заруратини келтириб чиқарди. Натижада, 1998 йил 1 майда ушбу қонуннинг диндан сиёсий мақсадларда фойдалангани ҳамда миллатлараро ва бошқа адоватни кўзғатгани учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик чораларини белгиловчи янги таҳрири қабул қилинди.

Ҳуқуқий ҳужжатга киритилган ўзгаришлар пайдо бўлган янги муаммолар ва келиб чиқиши мумкин бўлган диний конфликтларнинг олдини олишга хизмат қилди. “Агар собиқ мустабид тузум даврида юртимизда 80 га яқин масжид фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда (2017) уларнинг сони 2 минг 4 тани ташкил этмоқда. Ўша қарамлик йилларида Ўзбекистонда санокли кишиларгина ҳаж қилиш имкониятига эга бўлган эди, холос. Мустақиллик йилларида эса ҳар йили 5 мингдан зиёд юртдошимиз ҳаж зиёратига бориб келади. Жорий йилда 7200 нафар фуқароларимиз муборак ҳаж сафарини амалга ошириш имконига эга бўлдилар” [5; 466]. Аммо, Ўзбекистонда миллий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини куриш шароитида дунёвийлик ва динийлик ўртасидаги мувозанатни шакллантириш ҳар доим ҳам осон кечмаган. Бу йўлда мусулмон аҳоли диний онгини радикаллаштириш ва сиёсийлаштиришга қаратилган муайян кучларнинг фаолияти келтириб чиқарган қийинчиликлар пайдо бўлиб турди. Бундай ҳаракатларнинг аниқ кўринишларидан бири сифатида “Ҳизб ат-таҳрир ал-исломий”нинг янги асрнинг боши – ўтган асрнинг сўнгги йилларидаги варақалар тарқатиш йўли билан йирик шахарлар, айниқса Тошкент аҳолиси ўртасида олиб борган фаол кўпорувчилик-тарғиботчилик ишини кўрсатиб ўтиш мумкин. 1996 йилда ташкил топган “Ўзбекистон ислом ҳаракати” (ҳозирги “Туркистон ислом ҳаракати”) гуруҳининг мақсади Марказий Осиё ҳудудида «Буюк ислом халифалиги»ни тиклаш, унда мусулмонлар яшайдиган Кавказ ва Россия Федерациясининг Волгабўйи республикаларини ҳам қамраб олишдан иборат бўлган.

Таркибига 1992-1993 йилларда фаолияти тугатилган «Ислом лашкарлари» (Наманган), «Адолат уюшмаси» (Наманган), «Ўзбекистон Ислом уйғониш партияси», «Одамийлик ва инсонпарварлик» (Кўкон) каби қатор дин ниқобидаги экстремистик ташкилотларнинг собиқ фаоллари кирган,



«Ўзбекистон ислом ҳаракати» аъзолари Бирлашган тожик муҳолифати тарафида фуқаролар урушида иштирок этди. Низо ҳал қилиниши жараёнида «Ўзбекистон ислом ҳаракати» дала қўмондонлари Тожикистон ҳукумати ҳамда Бирлашган тожик муҳолифати ўртасида имзолаган битим шартларини бажаришдан бош тортдилар ва улар Тожикистонни тарк этиб, Афғонистон худудига ўтиб кетдилар.

Жаҳоннинг катор мамлакатларида ЎИХ (Ўзбекистон ислом ҳаракати) расмий равишда террорчилик ташкилоти, деб тан олинган. Чунончи, у АҚШ Давлат департаменти томонидан тайёрланган ва Конгресс тасдиқлаган хорижий террорчилик ташкилотлари рўйхатига киритилган. Шундан келиб чиқиб, ташкилотнинг аниқланган барча молиявий ҳисоблари «музлатилган». Россия Федерацияси Олий суди ва Бош прокуратураси ҳам ўзининг 2003 йил 14 февралдаги қарори билан уни террорчилик ташкилоти сифатида эътироф этган. Мазкур гуруҳ «Ал-Қоида» ҳаракати билан яқин алоқага эга [6; 139]. Чет эллик манбалар томонидан қўллаб-қувватланган радикал кайфиятдаги диний гуруҳларнинг барча уринишларига қарамасдан, дунёвий ва диний қадриятлар ўртасидаги янги нисбатнинг тобора чуқурлашиб бораётган шаклланиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” [7; 13] деб белгилаб қўйилганлиги давлатнинг ўз вазифалари, диннинг ўз вазифалари бор тамойили устуворлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда ҳам глобаллашувнинг миллатлараро ва динлараро муносабатларга ўтказётган салбий таъсирининг олдини олиш ҳақида бош қотириш ва самарали механизмларни топиш ўз мустақиллигини, эркини, ўзига хослигини қадрлашга қодир бўлган барча миллатлар олдида турган энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Бу муаммони чуқур англаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат шакллантириш жараёнини янги босқичга олиб чиқди. Стратегияда бешинчи йўналиш сифатида “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш” [8; 36]

деб белгиланди. Президентимиз томонидан, кейинчалик барча нутқ ва маърузаларида тинчликни таъминлаш, миллатлар ва динлараро тотувлик муҳитини кўллаб-қувватлаш, дин ниқобидаги экстремизм ва терроризмга қарши аёвсиз кураш масалалари асосий тамойил сифатида олға суриб келинмоқда. Дин ниқобидаги экстремизм ва терроризмга қарши кураш қатъий белгиланган ёндашув асосида олиб борилиши лозим. Бунда асосий мақсад сифатида демократик қадриятлар, сиёсий ранг-баранглик, сўз эркинлиги, тенглик ва диний бағрикенгликнинг илгари сурилиши даркор.

Диннинг сиёсийлашуви ва исломнинг радикаллашувига қарши курашда мавжуд деструктив воқеликларга қарши курашнинг илмий асосланган далиллари келтирилмоғи лозим. Муаммонинг сиёсий, диний, ижтимоий, психологик ва иқтисодий жиҳатларини ўзида қамраб олган комплекс тадқиқотларга асосланган миллий дастурнинг ишлаб чиқилиши бу борадаги йўналишлардан бирини ташкил этади. Аммо муаммонинг оқибати билангина курашиш фалсафий саводсизликдан бошқа нарса эмас. Аниқ натижага эришиш учун муаммони келтириб чиқарувчи сабаблар билан курашиш самаралидир.

Социологларнинг олиб борган тадқиқотлари натижасига кўра дин ниқобидаги экстремизм жамиятда тобора авж олаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ҳам боғлиқ бўлиб қолмоқда:

- аҳоли турмуш даражасининг пасайиши;
- ёшлар орасида ишсизлар сонининг кескин ошиши;
- иш ҳақи ва бозордаги нарх-навонинг номувофиқлиги ҳамда озуқа сифатининг пастлиги;
- айрим ҳудудларда ижтимоий хизмат кўрсатиш даражасининг пастлиги ёки мавжуд эмаслиги, шунингдек, таълим олиш ва соғлиқни сақлаш имконининг чекланганлиги;
- аҳоли орасида саводсизлик даражасининг юқорилиги;
- яшаш шароитларининг пастлиги;
- адолатли солиқ тизимининг мавжуд эмаслиги [9; 98] каби муаммолар шулар жумласидандир.

“Ёшларнинг дин ниқобидаги экстремистик мафкуралар таъсири остига тушиб қолишининг асосий сабаблари бўлиши мумкин бўлган” эмпирик маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, 2017 йилда респондентлар бундай сабаблар қаторида, энг аввало, “бузғунчилик моҳиятига эга бўлган турли интернет – сайтлар ва порталларнинг салбий таъсирини” ажратиб кўрсатдилар 31% (жавобнинг бу варианты 2017 йилдаги саволномага

киритилган) [10; 24]. Шу муносабат билан бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан белгиланган Ҳаракатлар стратегияси асосида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда: демократик институтлар ва фуқаролик жамияти асосларини яратиш бўйича фаол ишлар амалга оширилмоқда; аҳолининг иқтисодий ночор қатламини ижтимоий ҳимоялаш бўйича давлат сиёсати юритилмоқда; давлатнинг ишлаб чиқариш инфратузилмаси интенсив равишда ривожлантирилмоқда.

Сўнги йилларда кузатилаётган ҳодисалар радикал диний ғояга қарши курашда аҳолининг диний маърифатини юксалтириш муҳим аҳамият касб этишини яна бир қарра тасдиқлади.

2017 йил 30 сентябрда дин ниқобидаги экстремизм фаолиятига адашиб жалб қилинган шахслардан 16 мингдан зиёди ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари «қора рўйхати»дан чиқарилди. 2017 йил 15 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ](#). Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида магистратура (2 йил), таянч докторантура (3 йил) ва докторантура (3 йил) фаолият юритмоқда.

## ХУЛОСА

Мамлакатимизда Исломнинг бунёдкорлик салоҳияти ва маънавий-ахлоқий кадриятларини, Қуръон ва суннатнинг инсонпарварлик ғояларини очиқ беришга қаратилган уламолар фаолиятини кучайтириш, Шарқ ва Ғарб исломшунослик мактаблари манфаатларининг бир-бирига мос нуқталарини излаб топиш, улар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, диний-маърифий фаолиятни кенгайтириш, давлат билан дин ўртасидаги муносабатларни, цивилизациялараро ва конфессиялараро мулоқотни ҳамда диний масалаларни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан телевидениеда ҳам чуқурроқ ёритиш, аҳолининг турли қатламларини мунозараларга жалб этиш, бу соҳада сифатли халқаро ахборот алмашинувини йўлга қўйиш, демократик кадриятларга асосланган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат куриш жараёнида дунёвийлик ва динийлик ўртасидаги мувозанатни шакллантириш борасида олиб борилаётган улкан амалий ишлар исломофобиянинг олдини олишга, тинчликсевар, адолатпарвар ва бағрикенглик дини бўлган исломнинг ҳақиқий қиёфасини қайта тиклашга ёрдам бермоқда.

Аммо бундай ислохотлар барча давлатларда самарали амалга оширилаётгани йўқ. Хусусан, Яқин Шарқ ва Африка қитъасида жойлашган

баъзи давлатларда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеалар давлат, жамият ва дин муносабатларини ўзаро уйғунлаштиришга доир замонавий концепцияларни ишлаб чиқишга кучли эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда. Бундай концепцияларни ишлаб чиқишда секуляризм тамойилига асосланиш энг мақбул йўл эканлигини юқоридаги маълумотлардан билиш мумкин. Чунки секуляризм дунёвий ва диний соҳаларда толерантликни таъминлай олади. Толерантлик демократик жамиятнинг энг асосий қадрияти ҳамда дунёвийлик ва динийлик мувозанатини таъминлашнинг принципларидан бири ҳисобланади. Секуляризм эса давлат ва диний ташкилотларнинг ажралишини, улар фаолиятининг аниқ чегарасини белгилаб берувчи концепциядир. Унинг асосий хусусиятларидан бири, давлат ва жамиятнинг сиёсий фаолиятидаги ҳар қандай диний аралашувларни чеклайди. Бу ҳолат ўз ўрнида бугунги кунда глобал муаммолардан бири бўлган сиёсий ислом ва радикализмнинг олдини олишга, секуляр давлатларда динийлик ва дунёвийлик ўртасидаги мувозанатни амалга оширишга ёрдам беради.

## REFERENCES

1. Уотт У.М. Влияние ислама на средневековую Европу. Москва, 1976. - Б. 16.
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.-Жилд 2.- Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 20148.- Б. 454.
3. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Тошкент, 1996. – Б. 165.
4. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997. - Б. 34-35.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Жилд 1.- Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.- Б. 466.
6. “Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари”.Ўқув қўлланма. Тошкент ислом университети. Тошкент, 2013. Б. 139.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, ”Ўзбекистон” НМИУ, 2018. - Б. 13.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида.- Тошкент, “Адолат”, 2018.- Б. 35-36.
9. Ёвқочев Ш. “Сиёсат ва дин”.Ўқув қўлланма. Тошкент, 2011. – Б. 98.

- 
10. “Аҳолининг диндорлик даражаси” мавзусидаги мониторинг социологик тадқиқоти натижалари бўйича ахборот-таҳлилий маъруза. “Ижтимоий фикр” тадқиқот Маркази. 2017 йил. - Б.24.
11. Saifnazarov, I., Xujayev, M. (2018) Axmad Zaki Validiy islamic culture. Экономика и социум, 2, 55-57.
12. Saifnazarov, I., Muhtarov, A., Sultonov, T., Tolibov, A. (2020) Religious tolerance, unity of knowledge and faith issues highlighting in Imam Bukhari Hadiths. International Journal of Advanced Science and Technology 29 (5), pp. 1846-1853.